



17.01.2022 даги

О'ЗБЕКТЕЛЕКОМ ва Коракул тумани 1-сонкасб-хунар мактаби ўртасида 600000,00 сўм умумий суммага тузилган 4 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 079
Шахсий газна ҳисобварақ 100010860062307092901079001

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4292200			
Январь	240 000,00			240 000,00
Февраль	240 000,00			240 000,00
Март	120 000,00			120 000,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	600 000,00			600 000,00

Жами 600000,00 сўм

Олти юз минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан вазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига 100 % жорий ойнинг 30 санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари

М.Ў.

(имзо)

Абдурайимов Тулкин Турдикулович

Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Хамроева Муҳаббат Шоназаровна

Ф.И.Ш.

Вазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими қабул қилди

(имзо)

«__» _____ 20__ й.

«__» _____ 20__ й.

**Юридик шахслар ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган хусусий тадбиркорларга интернет алоқаси
хизматларини кўрсатиш бўйича
ШАРТНОМА № 4**

Коракул шахри

2022 йил « 17 » январ

Бундан кейин «Оператор» деб номланувчи телекоммуникация оператори (ваколатли шахс)

Бухоро Телеком" фил. Коракул туман Телеком. Богламаси,
(операторнинг номланиши)

АК Узбек Телеком

(лицензия берган ташкилотнинг номи)

томонидан берилган лицензия ва Низом асосида фаолият кўрсатувчи

О.Исоев

(раҳбарнинг мансаби, исм-фамилияси)

тимсолида бир томондан,

Юридик шахс,
Бюджетдан маблаг олувчи ташкилот номи: Коракул туман 1-сон касб хунар мактаби
Манзили: Коракул туман Сайёт КФЙ
Раҳбар, Ф.И.Ш. Т.Т.Абдурайимов

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Оператор интернетнинг универсал (асосий) ва қўшимча хизматларини кўрсатиш, Абонет эса мазкур хизматлардан фойдаланиш, ҳамда хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.1. Абонент тоифаси - бюджет

1.2. Абонент 2022 йилда бюджетдан ажратилган интернет хизматлари учун маблаглар доирасида куйидаги график асосида ҳақ тўлашни уз зимасига олади Жумладан:

(сумда)

Йил	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	Жами бир йилда
2022 Бюджет хисобидан	60000				60000
Жами:	600000				600000

Жами 2022 йил учун **Олти юз минг сум.**

2. ОПЕРАТОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Операторнинг мажбуриятлари:

2.1.1. Белгиланган сифат даражасида интернет хизматларини ўз вақтида кўрсатиш.

2.1.2. Оммавий ахборот воситаларида, Интернет, аҳоли гавжум жойларда, эълонлар бериш ёрдамида корхона фаолияти, янги АТС ларни ишга тушириш, янги хизмат турлари, телекоммуникация хизматлари учун белгиланган тарифларнинг ўзгариши ва бу хизматларни кўрсатиш тартиблари ҳақида хабар бериш.

2.1.3. Универсал хизматларга тарифлар ўзгарганлигини камида 15 кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.

2.1.4. Абонентнинг айбисиз интернет алоқаси бузилганда абонент томонидан таъмирлаш бюросига талабнома тушган вақтдан бошлаб абонент ускунаси ишламаган кунлар учун абонент тўловларини қайта ҳисоблаб чиқиш. Қайта ҳисоб-китоблар маълумот рўйхатга олинган кундан эътиборан соат 00.00 дан бошлаб тўлиқ суткалар учун амалга оширилади. Техник сабабларга кўра абонент рақамининг ўзгаришини камида 10 кун олдин абонентга ёзма равишда маълум қилиш. Ўрнатилган тартибда маҳаллий интернет сўзлашувлари тўғрисидаги маълумот-расшифровка (детализация)ни қўшимча тўлов эвазига Абонентга бериш.

2.1.5. Абонент томонидан сотиб олинган телематик хизматлар (телефакс, телекс, ведеотекс ва ҳоказолар)нинг охириги ускуналарини шартномага қўшимча киритган ҳолда (8-бўлимга биноан) рўйхатдан ўтказиш.

2.1.6. Оператор, шунингдек, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида интернет алоқа хизматларини кўрсатиш қоидалари»да белгилаб берилган бошқа бир қатор мажбуриятларга ҳам эга (бундан кейин матнда «Қоидалар»).

Оператор курсатилган хизматлар ҳисоб-варак фактураларини ҳар ойда бюджет ташкилотига тақдим этиб бориш мажбуриятини олади.

2.1.7. Агар Абонент ҳисоб-китоб давридан кейин 2 ой давомида интернет алоқаси хизматлари учун тўловни амалга оширмаса ёки 3.1.7.-бандларни бузишга йўл қўйса, ушбу шартнома бир томонлама бекор қилинади.

2.1.8. Оператор «Қоидалар»да белгилаб берилган бошқа бир қатор ҳуқуқларга ҳам эга.

Операторнинг ҳуқуқлари:

2.2.1. Янги интернет станциялари ишга тушиши ва интернет тармоқлари реконструкция қилиниши муносабати билан амалдаги «Қоидалар»га мувофиқ Абонентнинг рухсатсиз, аммо унга ўз вақтида хабар берган ҳолда, интернет рақамини бепул ўзгартириб қўйиш.

2.2.2. Оператор абонент линияларига тегишли сертификати бўлмаган ускуналар (интернет аппаратлари, телематик хизмат ускуналари, ахборот узатгичлар, радиоинтернетлар, радиоузайтиргич, ПК, АОН ва бошқалар)ни ўчиртиришни операторнинг техник комиссияси томонидан далолатнома тузилгандан сўнг Абонентдан талаб қилиш.

2.2.3. Қуйидаги ҳолларда абонент ускунасини интернет тармоғига уланишини тўхтатиш:

- маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро интернет алоқаси учун 4.6., 4.6.1.-бандларга асосан алоқа хизматлари тўловлари тўланмаганда (бунда интернет алоқасини узиш ҳақида абонент камида 3 кун олдин интернет билан огоҳлантирилиши зарур);

- абонент томонидан охириги қурилмаларни ишлатиш қоидалари бузилганда ва бунинг натижасида оператор коммутацион ускуналарининг нормал ишлашига халақит берган ҳолларда;

- 2.2.4. Абонентнинг ушбу **56-35-5 41**, рақамлари шаҳар ичида интернет сўзлашувлари алоқасига уланган.

3. АБОНЕНТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ҳар чорақда камида 1 марта Оператор билан ўзаро ҳисоб-китобларни аниқлаш мақсадида солиштириш далолатномаси тузиш.

3.2. Оператор ҳисобидаги ёки у томонидан таъмирланадиган Абонент фойдаланиладиган уй интернет симлари ва бошқа ускуналарни ишга яроқли ҳолатда сақлаш. Абонентга тегишли бўлган ёки Абонент томонидан ижарага олинган телекоммуникация воситаларининг техник меъёрларга мувофиқ бўлишини таъминлаш.

3.3. Интернет бузилишлари ҳақида телекоммуникация боғламасининг таъмирлаш бюросига ўз вақтида хабар бериш.

3.4. Корхонанинг номи, реквизитлари ўзгарганда, хонани ижарага бериш бўйича, бир ой муддат ичида ёзма равишда, санасини кўрсатган ҳолда Операторга хабар қилиш ва амалдаги тарифлар бўйича тўловлар эвазига шарномани қайта расмийлаштириш ёки уни бекор қилиш. Ижара муддати тугаши билан ёки ижарага бериш бўйича шартнома бекор қилинадиган бўлса, интернет алоқаси хизматини кўрсатиш бўйича тузилган шартнома ижарага олувчидан ижарага берувчи бепул қайта расмийлаштирилиши мумкин. Ижарага берувчи ижара шартномасини бекор қила туриб, ижарага олувчининг Оператор олдидаги қарзларини узишини назорат қилади ва қарзлар мавжуд бўлган тақдирда белгиланган тартибда жавобгар бўлиб ҳисобланади.

3.5. Абонентнинг алоқа «Қоидалар»ини қай даражада бажараётганини ёки абонент буюртмасига асосан таъмирлаш учун келган Оператор ходимини (агар у расми ёпиштирилган, корхона муҳри босилган, амал қилиш муддати кўрсатилган гувоҳномага эга бўлса) бинога киришга рухсат этиш. Бунда Оператор ходимида бажариладиган ишлар наряди ҳам бўлиши зарур.

3.6. Абонент ускунасидан пуллик хизмат кўрсатиш учун таксофон сифатида, Интернетга кириш ва ҳоказо мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилиши. Оператор томонидан ажратилган интернет рақамларидан телекоммуникация хизматларини кўрсатиш «Қоида»га белгиланган тартибда амалга оширилади. Ушбу банд бузилган тақдирда Оператор Абонентнинг телекоммуникация тармоғига киришини оператор техник комиссияси томонидан далолатнома тузилиб, камчиликлар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Абонент томонидан мазкур ҳолатлар такорланганда шартнома бир томонлама бекор қилинади.

3.7. Фақат сертификатланган интернет аппаратлари ва бошқа ускуналардан абонент ускунаси сифатида фойдаланиш. Мувофиқлик сертификати бўлмаган, интернет рақамини автоматик аниқлаш ускунаси(АОН)дан фойдаланмаслик.

3.8. Абонент интернетларидан ва бошқа охириги қурилмаларидан амалга оширилган маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро интернет сўзлашувлари учун тўловларни тўлиқ 4.3 – бандга асосан амалга ошириш.

3.9. Абонентлик қурилмасини ўзбошимчалик билан ўрнатиш ва параллел интернет аппаратлари ёки бошқа радио алоқаси, телематик хизматлар ва ахборот узатгичларига улаш таъқиқланади. Бу қурилмаларни улаш операторга маълум қилиниб, мувофиқлик сертификатига эга бўлгач амалга оширилади. Агар, Абонент томонидан ўзбошимчалик билан абонент линиясига уланган қурилманинг уланиш вақтини аниқлаш имконияти бўлмаса, абонент тўлови жорий йилнинг бошидан ҳисоблаб ундирилади.

Радиоинтернетлар ва бошқа радиоэлектрон воситалар (10 мВт қувватли симсиз интернетлар бундан мустасно) абонент қурилмаси сифатида уланган тақдирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш Агентлиги ёки унинг ваколатли органидан бу қурилмалардан фойдаланишга рухсатнома олиниши зарур.

3.10. Телекоммуникация тармоқлари иш сифатини пасайтиришга ёки уларни шикастланишига қаратилган хатти-харакатларга йўл қўйилмаслиги зарур.

3.11. Абонент «Қоидалар»да белгилаб берилган бошқа бир қатор мажбуриятларга ҳам эга.

4.Хизматларга ҳақ тулаш

4.1. Маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро интернет алоқаси учун тўловлар:

- Шартноманинг 1.2-бандида белгиланган ҳар чорак учун тулов суммасининг ўртача бир ойлик маблағининг 100% и миқдоридан олдиндан тўловни амалга оширилади. Ҳар ой якуни билан томонлар ўртасида тузилган солиштирма далолатнома асосида ҳақиқатда кўрсатилган хизмат учун қолган тўлов амалга оширилади.

4.2. Олдиндан тўлов тариқасидаги тўловлар камида 1 ой олдин, лекин 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун амалга оширилиши мумкин, якуний тўлов томонлар ўртасидаги далолатнома асосида 1 ой ичида ўтказилади.

4.3. Интернет алоқаси хизматлари учун олдиндан тўланган тўлов суммаси операторнинг биллинг тизими томонидан куйидаги кетма-кетликда тақсимланиб тўланади:

- абонентлик тўлови ва қўшимча хизмат турлари;
- ҳисоблагичлар;
- шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар.

Ушбу бандда кўрсатилган хизматларга тарифлар ошган тақдирда, улар бўйича ҳисоб-китоблар бунак суммаси тугагунга қадар амалда бўлган аввалги тарифлар бўйича амалга оширилади. (Агар бу хизматлар бўйича тўловлар универсал хизматларга тарифларнинг ўзгариши тўғрисида эълон берилишидан олдин амалга оширилган бўлса).

4.4. Маҳаллий сўзлашувлар (вақтбай асосида тўлов тизими жорий этилганда), шаҳарлараро ва халқаро интернет алоқасидан фойдаланганлиги учун тўлов ҳисоб варағига асосан (ахборот узатиш ва телематик хизматлардан фойдаланилганлиги учун тўловлар ҳам шунга киради), ҳисоб варағида кўрсатилган санадан бошлаб 3 банк куни ичида амалга оширилади.

4.5.1. Ҳисоб-китоб қилинган ойдан кейинги ойнинг 10-санасигача абонент «Оператор»нинг абонентлар бўлимига кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун ҳисоб-варақ фактурасини олиш учун келиши керак, кўрсатилган муддатда келмаган тақдирда интернет ўрнатилган тартибда ўчириб қўйилади.

4.5.2. Абонент хоҳишига кўра оператор шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар бўйича маълумот (расшифровка)ни электрон вариант(файл ҳолати)да бериши мумкин.

4.5.3. Абонент шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар бўйича маълумотни такрорий сўраган ҳолларда ундан қўшимча равишда 300 сўм, агар электрон вариант(файл ҳолати)да бўлса 100 сўм (ҳар бир компьютер варағи учун) олинади. Мазкур тўловлар алоқа хизматлари тарифлари ўзгарганида қайта кўриб чиқилади.

4.6. Белгиланган муддатда алоқа хизматлари тўловлари тўланмаса, интернет ўчириб қўйилади, бунда оператор шартномани бекор қилиш ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ қарзларни ундириб олиш ҳуқуқига эга.

Агар Абонент ҳисоб-китоб давридан кейинги 2 ой давомида телекоммуникация хизматлари учун, шу жумладан, интернет ўчириб қўйилган вақт учун қарзларини тўламаса, Оператор ва «Абонент» келишилган ҳолда шартномани бекор қилиш ва қарзларни ўрнатилган тартибда ундириб олиш ҳуқуқига эга. Қайтадан интернет ёки бошқа охириги қурилмани ўрнатиш ариза берилиб тегишли тўловлар амалга оширилгач амалга оширилади.

4.7. Агар абонент тўланиши лозим бўлган пул миқдорига, сўзлашув вақти ва бу сўзлашув унинг интернетига тегишли эканлигига норози бўлса, у ҳисоб варағини олгандан сўнг 30 кун давомида раддия ёзиши мумкин. 30 кундан сўнг эътирозлар қабул қилинионди. Текширув натижалари Абонентни қаноатлангирмасда судга мурожаат қилиши мумкин.

4.8. Ушбу шартноманинг 4.8-банди бўйича текширув ўтказилаётганда интернет шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларга чиқиш коди(8)сиз ишлатиб қўйилади.

4.9. Ҳар ойнинг 1-чи куни ҳолатида дебитор қарздорлик мавжуд бўлса, «Оператор» қарздорлик суммасининг 0,1% миқдоридан тўловнинг ҳар бир кечиктирилган куни учун, бу қарздорлик тўлиқ ундириб олингунча қадар пеня ҳисоблайди.

4.10. Абонентнинг айби билан интернет ёки бошқа охириги қурилма ишламаган пайтда улардан фойдаланиш бўйича абонент тўловлари тўлиқ миқдорда ундириб олинади.

4.11. Халқаро ва шаҳарлараро автоматик интернет алоқасидан фойдаланилганда, тўланиши лозим бўлган сўзлашув вақти сўзлашув бошланган вақтдан ҳисобга олинади. Интернетга уланган бирор бир техник ускуна (факс, автоматик жавоб берувчи, ракамни аниқловчи ва ҳоказолар) билан сўзлашув амалга оширилганда тўланиши лозим бўлган сўзлашув вақти ана шу ускуналар ишга тушган пайтдан бошлаб ҳисобга олинади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

Низоларни ҳал этиш чоғида томонлар ўзаро келишувга биноан иш тутадилар.

Томонлар ўзаро келиша олмаган ҳолларда, низолар Хўжалик судида ҳал этилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Ушбу шартнома шартларини томонлар бажармаган тақдирда уларнинг масъулияти Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик Кодекси», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғриси»ги қонунлари, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида интернет алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари» ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа бир қатор амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ томонларнинг жавобгарликлари кўриб чиқилади.

7. ФОРС-МАЖОР

Томонларнинг хоҳиш-истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда (табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароитлари, ҳукумат чора-тадбирлари, ҳокимият идоралари қарорлари, ҳарбий тўқнашувлар, ички тартибсизликлар ва бошқа ҳолатларда) томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармасликлари ушбу шартномани ижро этиш бузилган деб

хисобланионди, томонларнинг шартномани бажариш муддатлари юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бартараф этиб бўлингунга қадар кейинга сурилади.

Форс-мажор ҳолатларига таяниб иш кўрувчи томон ваколатли давлат органининг тасдиқланган тегишли ҳужжатини тақдим этиши керак.

8. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб хисобланади, улар албатта инobatга олиниши зарур.

8.1. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, «Қоидалар»да ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Ушбу шартнома «17» январдан 2022 йилдан 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

9.2. Шартнома муддатидан олдин куйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган тақдирда;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг хар бири учун бир нусхадан берилади.

10. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

10.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси бюджет кодексининг 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Оператор»

"Бухоро Телеком" фил. Коракул туман Телеком. Боғламаси

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Коракул ш. Улугбек куча №32 уй

Тел./факс

х/в 20210000804074838412

Банк номи, АТ "АЛОКАБАНК" Тошкент бош офиси

МФО 00401

ОКОНХ 52300

СТИР 203366731

Раҳбар О.Исоев

(Ф.И.Ш)

(имзо)

М.Ў.

Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):

Лицензия (диплом) № ва берилган санаси:

«Абонент»

Коракул Хиз Кур КХК

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Коракул тумани Сайёт КФЙ

Тел./факс

х/в 100010860062307092901079001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 206925509

ОКОНХ 92120

Ғазначилик бўлимаси номи: Коракул тумани буйича Ғазначилие булинмаси

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент ш. Бош.Бошкармаси ХККМ.

МФО: 00014

Ғазначилик бўлимаси СТИРи: 201122919

Раҳбар Т.Т.Абдурайимов

(лавозим)

(Ф.И.Ш)

(имзо)

М.Ў.